

**БОЛАЛАР КАСАЛЛИКЛАРИНИ  
ИНТЕГРИРЛАШГАН УСУЛДА  
ОЛИБ БОРИШ**

**КИРИШ**

**Жаҳон Соғлиқни Сақлаш  
Ташкилоти, Бола соғлиги ва  
Ривожланиш бўлими (СНД).  
Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти 2008**

**ЮНИСЕФ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ  
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ  
ИЛМИЙ -АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

ЎзР ССВ Фан ва ўқув юртлари  
бош бошкармаси бошлиғи  
т. ф. д. У. А. Алимов  
2013 й. № 26  
№ 5 бәённома



**“КЕЛИШИЛДИ”**

ЎзР ССВ Гиббий таълимини  
ривожлантириш маркази  
директори  
М. Х. Алимова  
2013 й. № 26  
№ 5 бәённома



**Болалар касалликларини интегрирлашган усулда  
олиб бориш  
КИРИШ**

Болалар касалликларини интегрирлашган усулда олиб бориш  
бўйича

ЖССТ томонидан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси  
мутахассислари томонидан мослаштирилган

**ЎҚУВ КУРСИ**

**Тошкент 2013**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGINING TIBBIY TA'LIMNI RIVOJLANTIRISH MARKAZI TOMONIDAN RO'YHATGA OLINDI
№ 168 2013 yil

## Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти 1998

Ўшбу ҳужжат кенг омма учун чоп этишга мўлжалланмаган бўлиб, барча ҳукуклар Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотига тегишилдир. (ЖССТ). Ушбу ҳужжат ЖССТ-нинг олдиндан берилган ёзма рухсатисиз тўлиқ ёки қисман таржима этилиши, эркин ҳолда тўпламлар ва рефератлар учун фойдаланилиши мумкин эмас. Ушбу ҳужжатнинг бирорта қисми ҳам, ЖССТ-нинг олдиндан берилган рухсатисиз, маълумотлар базасида сакланиши, ёки барча-механик, электрон ёки бошқа йуллар билан узатилиши мумкин эмас.

«Болалар касалликларини интегрирлашган усулда олиб бориш» ўқув курси Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг Бола Соғлиги ва Ривожланиш Бўлими (СНД) ва ЮНИСЕФ томонидан ACT International, Атланта, Жоржия, АҚШ, билан шартнома асосида тайёрланган.

Ушбу қўлланма, Болалар касалликларини интегрирлашган усулда олиб бориш стратегияси бўйича миллий тренерлар т.ф.д. З.Е. Умарназарова, т.ф.д. И.М. Ахмедова, т.ф.н. Г.Б. Утепова томонидан матнлар асосида қайтадан ЖССТ охирги тавсиялари асосида янгиланди ва қайта чоп этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг Республика ихтиосослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент педиатрия тиббиёт институти).

Ўқув курси бирламчи бўғин тизими, болалар тиббиёт муассасалари, шунингдек тиббиёт олий ўқув юртлари, ўрта маҳсус ўқув юртлари ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ўқув дастурларига киритиш учун мўлжалланган.

Тақризчилар: Э.А. Шомансурова, т.ф.д., ТошПТИнинг амбулатория тиббиёти кафедраси мудири

К.Ш. Салихова, т.ф.н. ЎзРССВ РИПИАТ Маркази илмий-ишлилар бўйича директор мувовини

Ўқув курси ЎзР ССВ РИПИАТ Марказида 2013 йил 14 марта Илмий Кенгашида кўриб чиқилди ва тасдиқланди, З-мажлис баённомаси.

Илмий котиба т.ф.н.



Д.С. Арипова


<b>МУҚАДДИМА.....</b>	<b>5</b>
<b>КУРСНИНГ УСУЛЛАРИ ВА МАТЕРИАЛЛАРИ.....</b>	<b>8</b>
<b>КАСАЛНИ ОЛИБ БОРИШГА ТЕГИШЛИ СХЕМАЛАРИНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ТАНЛАШ КЕРАК.....</b>	<b>9</b>
<b>АТАМАЛАР ЛУҒАТИ.....</b>	<b>11</b>

## МУҚАДДИМА

Ривожланиб келаётган мамлакатларда 5 ёшгача бўлган болалар орасида учрайдиган барча ўлим ҳолларининг 70 фоиздан ортикрофига пневмония, диарея, қизамиқ ва овқат ҳазмининг бузилиши сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасида 5 ёшгача бўлган болалар орасида учрайдиган ўлиш ва касалланиш ҳолларининг асосий сабаблари жумласига пневмония, диарея, қизамиқ, сил касаллиги, овқат ҳазмининг бузилиши ва камқонлик киради. Тиббий ходимларнинг ана шундай касалликлар билан оғриган болаларни амбулатория тарзидағи муассасаларда даволашлари ва шу касалликларга алоқадор ўлим ҳолларининг кўпчилигига йўл қўймасликлари учун ёрдам берадиган анча осон ва самарали усул-амаллар бор. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти ва ЮНИСЕФ ана шу касалликларга даво қилиш тадбирларини ҳар бир касалликка доир тавсияларда эмас, балки интеграцияланган тавсиялар мажмуасида тасвирлаб бериш учун замонавий маълумотлардан фойдаланишиди. Сўнгра касал болаларга интеграцияланган даво қилиш жараёни бўйича тиббий ходимларга таълим бериш учун ўкув курси ташкил этилди.

Тиббий ходимлар болаларда учрайдиган касалликларга даво қилиш бобида ҳозирнинг ўзида тажрибага эгадирлар. Улар аксари қандай бўлмасин битта касалликнинг давосига доир тавсиялар, масалан, қизамиқ ёки диарея билан оғриган болага даво қилишга доир тавсиялардан фойдаланиб, тайёргарлик олишган. Шундай бўлсада, хусусан, болада бир йўла бир нечта касаллик бўлган маҳалларда, турли тавсияларни бирлаштириш (интегрирлаштириш) амалда, барибири, қийин бўлиб қолиши мумкин. Даволаш жараёнида қайси муаммоларга биринчи навбатда аҳамият бериш талаб қилишини ходимлар билмасликлари мумкин. Фурсат ва мавжуд дори-дармонлар чекланган шароитларда тиббий ходим боладаги муаммоларнинг ҳаммасини аниқлаб олиш, уларга даво қилишга кодир бўлмай қолиши мумкин. Турли касалликлар ўртасида аксари мураккаб ўзаро боғланланишлар бўлади. Масалан, диареянинг такрорланиб туриши овқат ҳазм қилишининг бузилиб, боланинг озиг кетишига олиб келади; кўпинча қизамиқ вақтида бошланадиган ёки шу касаллик билан бирга давом этиб борадиган диарея айниқса оғир ўтади. Шу муносабат билан бемор болага самарали даво қилиш боладаги касаллик алломатлари, яъни симптомларининг ҳаммасини эътиборга олишни талаб қилади.



Болада мавжуд бўлган симптомларнинг ҳаммасига тез баҳо бериш ва улардан бирортасини ҳам назардан қочирмаслик учун тиббий ходим касал болага интегрирланган даво қилиш юзасидан мазкур курсда ўқитиб, ўргатиладиган жараённи татбиқ этиши мумкин. Ўқиб чиққанидан кейин у қайси ҳолларда болада оғир касаллик

бўлишини ва боланинг зудлик билан касалхонага жўнатишга муҳтож-муҳтожмаслигини аниқлай оладиган бўлади. Агар бундай эҳтиёж бўлмаса, тиббий ходим тавсияномаларга амал қилиши ва болани даволаши мумкин. Тавсияномаларда оналарга ва бошқа парваришловчи шахсларга маслаҳатлар берилган, йўл йўриқлар кўрсатиш жараёни ҳам баён этилган.

Касалликларга интегрирашган даво қилишга доир тавсияномалар диарея касалликлари, ўткир респиратор инфекциялар, иситма ҳолатлари, овқатланиш муаммоларига оид, шунингдек эмлаш ишларини ўтказиш юзасидан Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг мавжуд тавсияларини ўз ичига олади. Тиббиёт ходимлари бирор касаллик юзасидан мазкур курсда алоҳида келтирилган тавсияларда касал болани тўла-тўкис даволаб, дарддан фориғ қилиб юборишда қай тариқа фойдаланиш кераклиги билан танишадилар.

Бемор болаларни клиникага олиб бориш муносабати билан биринчи марта мурожаат этган болага ёки қай тариқа соғайиб бораётганини билиш учун такрор марта келган болага ёрдам бериш жараёни баён этилган. Бу тавсияномалар касал боланинг амбулаторияга келишга мажбур этган асосий сабабларнинг қўпчилигини ўз ичига оладио, аммо ҳаммасини эмас. Сурункали ёки бирмунча кам учрайдиган касаллик муносабати билан келган бола ихтисослаштирилган ёрдамга муҳтож бўлиши мумкин, ёрдамнинг бу хили мазкур курсда тасвирланмайди. Бу курс бахтсиз ҳодисалар ёки авариялар натижасида шикастланган болаларга даво қилиш масалаларини муҳокама этмайди. Курс ортирилган иммунитет танқислиги синдроми – ОИТС (СПИД) масалаларини гарчи муҳокама қиласада, лекин кўп тарқалган ва одамда иммунитет танқислигига сабаб бўлувчи вирус (ВИЧ) юқкан болаларни тиббий ёрдам сўраб келишга мажбур этадиган ҳолатлар - диарея ҳамда респиратор инфекцияларни муҳокама қилиб ўтади. ОИВ (ВИЧ) инфекцияси бор, деб гумон қилса бўладиган бола кенг тарқалган шу касалликларнинг бири муносабати билан ёрдам сўраб келган маҳалда, уни ана шундай касаллик юзасидан биринчи марта келган ҳар қандай бола сингари даволаб бориш мумкин. Боланинг дарди мазкур курсда баён этилган стандарт даво билан қайтавермаса ёки болада овқат ҳазми сезиларли даражада бузилган, ёхуд бола амбулаторияга қайта-қайта келаверадиган бўлса, уни алоҳида текшириб кўриш ва даволаш учун касалхонага юборилади. Бунинг натижасида ОИТС билан касалланган бола касалхонага юборилган бўлиб чиқади. Касалхонадан чиқсан болага буюрилган даво чораларини бажарилишини ва ретровирусга карши даволашда (РКВД) қўлланиладиган дориларни қабул қилиш тартибларини бирламчи тиббиёт тизимининг ходимларининг вазифалари тўғрисида тўхталади.

Ёрдам олиш учун оилалар ўзларининг касал болаларини амбулаториянинг ўқиб келган тиббий ходимига нечоғлик барвақт олиб келсалар, касалга қилинадиган даво шунча яхши наф бериши мумкин. Оила боланинг аҳволи тамомила ёмонлашиб қолишини кутиб ўтирадиган бўлса, ёки ўқимаган, тажрибасиз шифокорга мурожаат қиласадиган бўлса, касалликдан ўлиш хавфи ортиб боради. Шу муносабат билан ота-оналарни ёрдам олиш учун қачон мурожаат қилиш кераклиги ўргатиш касал болага клиник даво қилиш жараёнининг муҳим қисми бўлиб ҳисобланади.

## БЕМОРНИ ОЛИБ БОРИШ ЖАРАЁНИ

Беморни олиб бориш жараёни қилинадиган ишлар тартибини кўрсатадиган ва уларни бажариш хусусида ахборот берадиган бир қанча схемаларда тасвирланган. Бу схемаларда куйидаги ишлар баён этилган:

- 1) Бола ёки гўдак аҳволига баҳо беринг;
- 2) Касалликни таснифланг (классификацияланг);
- 3) Давони белгиланг;
- 4) Болани даволанг;
- 5) Онага маслаҳат бериб, йўл-йўриқ кўрсатинг;
- 6) Кейинги ташрифни олиб боринг.

Бу босқичлар касал болага ёрдам беришда Сиз ҳозир бажариб келаётган босқичларга ўхшаб кетар, аммо уларни ифодалаш учун Сиз бошқа атамаларни ишлатарсиз, балки. Бу ишларнинг “Бола аҳволига баҳо беринг” босқичи анамнез йиғиш ва клиник текширишлар ўтказиш ишларини билдиради. “Касалликни таснифланг” - касалликнинг оғирлик даражасини аниқлаш зарур, деган маънони англатади. Сиз болада топиладиган ва аҳволининг оғирлигига боғлиқ бўлган асосий симптомларнинг ҳар бири учун тоифа ёки «тасниф»ни танлайсиз. Таснифлар ўзига хос касаллик ташҳиси (диагнози) эмас, улар давони белгилаб, йўналтириб берадиган тоифалардир, холос.

Схемалар ҳар бир тасниф учун тегишли турдаги давони тавсия этади. Мазкур жараённи қўлланишда болага “даво белгилай олишингиз” учун тегишли схемадаги таснифни тўғри танлаб олиш кифоя. Масалан, “ЖУДА ОФИР ФЕБРИЛ КАСАЛЛИК” деб тасниф олган бола менингит ёки сепсис билан оғриган бўлиши мумкин. “ЖУДА ОФИР ФЕБРИЛ КАСАЛЛИК” тоифаси учун таклиф этиладиган даво тегишлича бўлади, чунки у ушбу таснифга киритилган асосий касалликларда наф берадиган қилиб тузилган.

“Болани даволанг” босқичи амбулаторияда даволашни, шунингдек уйда ишлатиладиган дорилар ёки бошқа даво турлари тайинлашни, бундан ташқари, ушбу давони қай тариқа олиб боришни онага ўргатиш кераклигини билдиради.

“Онага маслаҳат беринг” босқичи бола қай тариқа боқилаётганига баҳо боришни, болага қандай овқат ва суюқликлар бериш кераклигини онага ўргатиш ва болани яна қачон амбулаторияга олиб келиш зарурлигини унга тайинлашни ўз ичига олади.

2 ойликдан 5 ёшгacha бўлган бемор болаларни клиник олиб бориш жараёни:

- \* КАСАЛ БОЛА АҲВОЛИНИ БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ,
- \* БОЛАНИ ДАВОЛАНГ,
- \* ОНАГА МАСЛАҲАТ БЕРИНГ

деб номланган 3 та схемада тасвиrlанган.

0- 2 ойликкача бўлган гўдакларга клиник даво қилиб бориш бирмунча каттароқ ёшдаги болаларга даво қилишдан бир қадар фарқ қиласди. Бу иш “0-2 ОЙЛИККАЧА БЎЛГАН КАСАЛ ГЎДАК АҲВОЛИНИ БАҲОЛАНГ, УНИ ТАСНИФЛАНГ ВА ДАВОЛАНГ” деб номланган бошқа схемада баён этилган.

Схемалар болаларга тўғри ва самарали даво олиб боришда соғлиқни сақлаш ходимларига ёрдам берадиган қилиб тузилган. Ушбу курс Сизни схемалардан фойдаланишга тайёрлайди ва касал болаларга даво қилиб бориш юзасидан Сизга клиник малака беради. Курсни тутатганингиздан кейин бу схемалар клиникангизда касал болаларни даволаб боришда ўрганиб олган билимларингизни эсга туширишда ва улардан фойдаланиш учун Сизга ёрдам беради.

## **ТАЙЁРЛОВ КУРСИНИНГ МАҚСАДИ**

Ушбу ўқув курси bemорларни клиник даволаб бориш жараёнини касал гўдаклар ва ёш болалар билан ишлайдиган шифокорларга, тиббий ҳамширалар ва бошқа соғлиқни сақлаш ходимларига ўргатиш учун тузилган. Бу жараён қишлоқ врачлик амбулаторияси, болалар поликлиникаси ёки касалхонанинг амбулатория бўлими сингари бирламчи бўғин муассасалари учун bemорларни олиб бориш жараёнидир. Бу курсда “амбулатория” атамаси ушбу муассасаларнинг ҳар қандай хилини ифодалаш учун қўлланилади.

Сиз касал болаларга қўйидагиларни:

- \* Касалликнинг белгилари ва симптомларига, озиқланишнинг ахволи ва эмланганлик ҳолатига баҳо беришни;
- \* Касалликлар таснифини олиш;
- \* Танланган таснифга мувофиқ даво белгилаш ва боланинг касалхонага юборишга мухтож-муҳтожмаслиги хусусида қарор қабул қилишни;
- \* Болани касалхонага юбориш олдидан мухим даво тадбирлари ўтказишни (масалан, антибактериал препаратнинг ёки витамин А нинг биринчи дозасини бериш, гипогликемиянинг олдини олишни);
- \* Амбулаторияда даво қилиш, масалан, регидратацион орал терапия олиб бориш, витамин А бериш, эмлаш ишларини ўтказишни;
- \* Орал антибактериал препаратни бериб туриш сингари маълум даво тадбирларини уйда ўтказишни онага ўргатишни;
- \* Болани овқатлантириш масалалари ва ёрдам сўраб такрор мурожаат қилишни талаб этадиган вазиятлар юзасидан онага маслаҳатлар беришни;
- \* Келгуси сафар болани яна қачон олиб келиш кераклигини айтиш, боланинг ахволига такрор баҳо бериш ва тегишли ёрдам қўрсатишни ўз ичига оладиган схемаларга мувофиқ олиб боришни ўрганиб оласиз.

## **КУРСНИНГ УСУЛЛАРИ ВА МАТЕРИАЛЛАРИ**

Беморга даво қилиб бориш схемаларига қўшимча равишида Сиз модуллар деб аталадиган бир қанча буклетларни оласиз, булар ишингизнинг ҳар бир босқичини тушунтириб берадилар, уларнинг сарлавҳалари мана бундай:

- *Кириш;*
- *2 ойликдан 5 ёшгacha бўлган bemор бола аҳволини баҳолаши, таснифлаши ва даволаши схемалар буклети;;*
- *2 ойликдан 5 ёшгacha бўлган bemор бола аҳволини баҳоланг ва таснифланг;*
- *Давони белгиланг;*
- *Болани даволанг;*
- *Онага маслаҳатлар беринг;*
- *0 дан 2 ойликкача бўлган bemор бола аҳволини баҳолаши, таснифлаши ва даволаши схемалар буклети;*
- *0 дан 2 ойликкача бўлган bemор бола аҳволини баҳоланг, таснифланг ва даволанг;*
- *Кейинги кузатув.*

Модуллар ўқитиши босқичларини ўрганиб олишда Сизга ёрдам берадиган машқларни ўз ичига олади. Машқларнинг кўпчилиги касал болани тасвирлаб, ўртага саволлар қўйиш йўли билан клиник ахборот беради. Модулни ўқиб чиқиб, машқларини бажариб бўлганингиздан кейин уни тугатган бўласиз. Баъзи машқларда видеофильм ва фотосуратлардан фойдаланилади.

Ҳар бир машғулотнинг тахминан ярмини Сиз яқин атрофдаги амбулатория ва касалхоналарда ўтказасиз ва касалларни клиник олиб боришни машқ қилиб борасиз. Ана шу клиник сессиялар пайтида Сиз касал болалар ахволини баҳолаб, уларни таснифлайсиз ва даволайсиз, шунингдек уй шароитларида касал болаларни қандай парвариш қилиш кераклигини оналарига ўргатасиз. Клиник машғулотлар модулларда ўргатилган кўникмаларни амалда ишлатиб кўриш учун Сизга имкон беради. Қийинчиликлар туғилиб қолгудек бўлса, Сиз саволлар бериб, изоҳлар олишингиз мумкин. Курснинг охирларига келиб Сизда тегишли касалликларга даво қилиб бориш юзасидан тажриба пайдо бўлади ва Сиз шу тажрибадан ўз амбулаториянгизда фойдалана билишингизга ишонч ҳосил қиласиз.

Ўқитувчи модуллар билан ишлашда Сизга ёрдам бериб боради, гурух баҳсларини ташкил этади ва Сиз билан якка тартибда сухбатлар ўтказиб туради. У клиник машғулотлар вактида Сизнинг амалий ишингизни ҳам кузатиб боради. Сизга мавзу юзасидан ҳар қандай саволлар бериш ва буларни ўқитувчи билан муҳокама қилиб чиқиш таклиф этилади.

## **КАСАЛНИ ОЛИБ БОРИШГА ТЕГИШЛИ СХЕМАЛАРНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ТАНЛАШ КЕРАК**

Кўпчилик амбулаторияларда болаларни рўйхатга олиб борилади, бунда бола касаллик сабабли келганими ёки соғлом бўлгани ҳолда профилактик текширувга, эмлатиш учун ё бўлмаса, шикастланиб қолган пайтида ёрдам олиш учун келганими, шулар тўғрисидаги маълумот ёзиб қўйилади. Она боласини касал бўлгани учун (шикастланиб қолгани учун эмас, касал бўлиб қолгани учун) олиб келган ва уни Сизнинг қабулингизга юборишган вактда Сиз тегишли даволаш схемасини танлаб олиб, боланинг ахволини баҳолаш жараёнини бошлашингиз учун унинг ёшини билиб олишингиз керак. Болалар Сизнинг амбулаториянгизда қай тариқа рўйхатга олинишига қараб боланинг ёши ва исмишарифи, шунингдек бошқа ахборот, масалан, унинг турар жойи боланинг формулярига ёзиб қўйилган бўлиши мумкин. Агар булар ёзилмаган бўлса, Сиз мулоқатни унинг исми ва ёшини сўрашдан бошлашингиз мумкин.

Ёши жихатидан боланинг қайси гурухга киришини билиб олинг:

- Ёши 0 дан 2 ойликкача,
- Ёши 2 ойликдан 5 ёшгача.

Боланинг ёши 2 ойликдан 5 ёшгача бўлса, *2 ОЙЛИКДАН 5 ЁШГАЧА КАСАЛ БОЛНИНГ АХВОЛИНИ БАҲОЛАНГ, УНИ ТАСНИФЛАНГ ВА ДАВОЛАНГ* схемасини танлаб олинг. “5 ёшгача” деган сўз боланинг ҳали беш ёшга тўлмаганини билдиради. Масалан, бу гурух 4 ёш 11 ойлик бўлган, лекин ҳали тўла 5 ёшга кирмаган болани ўз ичига олади.

2 ойлик бола “0 дан 2 ойликкача” гурухга эмас, балки “2 ойликдан 5 ёшгача” ёшдаги гурухга киради.

Бола ҳали 2 ойлик ёшга етмаган бўлса, у гўдак деб хисобланади. Ушбу гўдакни олиб бориш учун *0 ДАН 2 ОЙЛИККАЧА БЎЛГАН БЕМОР ГЎДАК АҲВОЛИНИ БАҲОЛАНГ, ТАСНИФЛАНГ ВА ДАВОЛАНГ* схемасидан фойдаланинг.

*2 ОЙДАН 5 ЁШГАЧА БЎЛГАН БЕМОР БОЛАНИНГ АҲВОЛИНИ БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ* деб номланган кейинги модулда Сиз 2 ойлиқдан 5 ёшгача бўлган bemor болалар аҳволини қай тариқа баҳолаш ва таснифлаш кераклигини билиб оласиз. Бундан кўра ёшроқ болаларга қандай даво қилиб бориш кераклиги кейинчалик, *Касал Гўдакни Даволаб бории* модулида тушунтириб берилади.

# АТАМАЛАР ЛУҒАТИ

**Абдоминал:** қоринга оид, қоринга тегишли.

**Абсцесс:** йириңг тўпланиши, йириңг бойлаш, хўппос.

**АКДС:** кўйкўтал (коклюш), бўғма (дифтерия) ва қоқшолга (столбняқ) қарши вакцина. Тўла эмлаш учун бола 3 марта: 2 ойлик, 3 ойлик ва 4 ойлик ёшида иммунизация қилинади.

**Аксилляр ҳарорат:** қўлтиқ ости чуқурчасида ўлчанадиган ҳарорат.

**Аллергия:** алоҳида таъсир кўрсатадиган моддалар нафасга олинганида, ейилганида, организмга юборилганида ёки баданга текканида баъзи одамларда, масалан, аксириш, баданга тошма тошиши, нафас қийинлашуви қўринишида юз берадиган муаммо.

**Амбулатория:** мазкур ўқув курсида - ҳар қандай бирламчи тиббий муассаса: масалан, фельдшер-акушерлик пункти (ФАП), Қишлоқ врачлик пункти (ҚВП), Қишлоқ врачлик амбулаторияси (ҚВА), Қишлоқ участка касалхонаси (ҚУК), касалхонанинг амбулатория бўлими ёки поликлиника.

**Амбулатория bemори:** поликлиника ёки касалхонанинг амбулатория бўлимида кузатиб бориладиган bemор.

**Антигенлар:** асосан оқсил табиатли моддалар бўлиб, организмга тушганида иммун реакцияларни келтириб чиқаради.

**Антимотор воситалар:** ичак мускуллари фаоллигини сусайтириш йўли билан ичакдаги суюқлик ҳаракатини секинлаштирадиган препаратлар.

**Антителолар:** организмга тушган ёт моддалар – антигенларга қарши ишланиб чиқадиган химояловчи моддалар, иммун зарралар.

**Ареола:** мазкур ўқув курсида - кўкрак учи атрофидаги терининг думалоқ шаклда қорайиб турадиган қисми.

**Асосий симптомлар:** мазкур ўқув курсида - болани кўздан кечириш, текшириб кўриш маҳалида тиббий ходим сўраб-суриштириб кўриши керак бўлган симптомлар. **БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ** схемасида бешта асосий симптом: йўтал ёки нафас қийинлиги, диарея, иситма, томоқ оғриғи ва қулоққа алоқадор муаммолар кўрсатиб ўтилган.

**Аспирация:** суюқликларни нафасга олиш (ингаляция қилиш).

**Баҳоламоқ, баҳо бермоқ:** олинган маълумотга, бор ахборотга таяниб туриб, масалани ҳал қилиш йўлини танламоқ, қарор қилмоқ. Ушбу ўқув курсида: болани текшириб кўриб, касаллигининг белги, аломатларини аниқлаб олмоқ.

**Белгилар (аломатлар):** мазкур ўкув курсида - саломатлик муаммосининг жисмоний ифодаси, тиббий ходим беморни кўздан кечириб, эшитиб, пайпаслаб кўриб, ундан топадиган ўзгаришлар. Масалан, нафаснинг тезлашгани, кўкрак қафасининг ичга тортилиб тургани, кўзларнинг ич-ичига тушиб кетгани (киртайиши), энса мускулларининг тортишиб, қаттиқ бўлиб тургани (риgidлиги), кулоқдан йиринг ажралиши ва бошқалар.

**Биринчи ташриф:** мазкур касаллик ёки бирор муаммо юзасидан биринчи марта тиббий ходимга кўриниш, унинг олдига биринчи марта келиш.

**Бирламчи тиббий муассаса:** соғлиқни сақлаш тизимида, масалан, Фельдшер-акушерлик пункти (ФАП), Қишлоқ врачлик пункти (ҚВП), касалхонанинг амбулатория бўлими ёки поликлиника сингари муассаса, аҳоли ёрдам сўраб келадиган бирламчи муассаса бўлиб хисобланади. Мазкур курсда хар қандай бирламчи тиббий муассасани ифодалаш учун амбулатория атамасидан фойдаланилади.

**Болани овқатлантиришдаги муаммолар:** болани одатдаги овқатлантириш билан бола боқиш юзасидан *МАСЛАҲАТ БЕРИНГ* схемасида санаб ўтилган тавсиялар ўртасидаги тафовутлар ва бошқа муаммолар, масалан, болани кўкрак сути билан бокишдаги қийинчиликлар, бола боқиш учун шишаҷалардан фойдаланиш, касаллик пайтида боланинг яхши овқатлана олмаслиги ва бошқалар.

**Боланинг овқатланишга алоқадор аҳволи:** болада овқат ҳазмининг бузилиши ёки камқонликка ёки камвазнликка хос белгилар бор-йўклигини ифодаловчи тушунча. Мазкур ўкув курсида боланинг овқатланишга алоқадор аҳволи: ОЗИҚЛАНИШНИНГ ОФИР ДАРАЖАДА БУЗИЛИШИ ЁКИ ОФИР КАМҚОНЛИК, КАМВАЗНЛИК ЁКИ КАМҚОНЛИК, КАМВАЗНЛИК ЙЎҚ ЁКИ КАМҚОНЛИК ЙЎҚ деб таснифланиши мумкин.

**БЦЖ:** силга қарши эмлаш, бола түғилганида буюриладиган муолажа. Бацилла Кальметта-Герена деган сўзларнинг қисқартмаси.

**ВИЧ:** одамда иммунитет танқислигига сабаб бўладиган вирус («Вирус Иммунодефицита Человека» деган русча сўзларнинг бош ҳарфлари). ВИЧ СПИД касаллигини қўзғатади.

**В гепатит вакцинаси (ВГВ):** В гепатитга қарши тайёрланган вакцина (эм дори). Болани тўла эмлаш учун тутруқхонада 24 соатлик ичиди, 2, 3, 4 ойлик ёшида эмлаш керак.

**В гепатит вируси:** гепатит қўзғатувчиларининг бири. Бу вирус жигар раки қўзғатувчиси бўлиб ҳам хисобланади. Кон орқали осон тарқалади, шунинг учун ҳамиша стерил игна ва шприцлардан фойдаланиш керак.

**Гемоглобин:** таркибида темир бўладиган оқсил, кислород ташийди ва қонга қизил ранг беради.

**Гипернатриемия:** қонда натрий миқдорининг кўплиги.

**Гипогликемия:** қонда қанд миқдорининг камлиги.

**Гипоксия:** бадандаги органларга кислород ҳаддан ташқари кам миқдорда келиб турадиган ҳолат.

**Гипоосмоляр регидратацион восита** - бу паст осмоляр регидратацион восита бўлиб, ЖССТ томонидан тавсия этилган, таркиби 16-бетда келтирилган.

**Гипотермия:** тана ҳароратининг паст (аксиляр ҳароратнинг  $35,5^{\circ}\text{C}$  даражадан ёки ректал ҳароратнинг  $36^{\circ}\text{C}$  даражадан паст) бўлиши.

**Глюкоза:** ичириладиган регидратацион тузлар ва венадан юбориладиган суюкликлар таркибида бўладиган қанд моддаси.

**Гўдак:** мазкур ўқув курсида ёши туғилгандан то 2 ойликкача бўлган бола.

**Гўдак учун озиқ-овқат ўрнини босадиган аралашмалар:** кўкрак сути ўрнини босади, деб сотиладиган қуюқ сут ёки соя донларидан тайёрланган масалликлар (сув билан суюлтирилган бўлади).

**Диагностик текшириш:** маҳсус текширув, масалан, касалликнинг хили ёки сабабларини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган лаборатор ёки рентген текширувлари.

**Диарея эпизодлари:** диарея билан касалланиш ҳоллари.

**Диареяга қарши воситалар:** ич кетишини тўхтатувчи ёки уни камайтирувчи, диареяга барҳам берувчи деб реклама қилинадиган дори препаратлари, масалан, антимотор воситалар. Бундай препаратлар диарея вақтида болаларга фойда бермайди, баъзилари хавфли бўлади, ҳам.

**Жайдари:** маҳаллий, мазкур жойнинг ўзида битган, ўша жойга хос неъматлар, маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари, мазкур жойда расм бўлган маҳаллий овқатлар. («Маҳаллий» атамасининг яна бир маъноси тўғрисида «Маҳаллий инфекция»га қаралсин).

**Заиф бола:** қувватсизланиб, касалликларга мойил бўлиб қолган бола.

**Иммун тизими:** касаллик қўзғатувчисига қарши курашиш учун антителолар ёки маҳсус ухжайралар ишлаб чиқариш йўли билан организмнинг касалликка қаршилик кўрсатиш кучини оширувчи тизим.

**Иммун тизими заифлашуви:** организмнинг касалликларга қаршилик кўрсатиш хусусиятининг пасайиб кетиши.

**Иситма:** мазкур ўқув курсида иситма:

- касал бола баданининг кўлга иссиқ сезилиши;
- аксиляр ҳарорат  $37,5^{\circ}\text{C}$  ёки ундан юқори ёки ректал ҳарорат  $38^{\circ}\text{C}$  ёки ундан юқори эканини билдиради.

**Касаллик:** мазкур ўкув курсида белги ва симптомларга асосланиб туриб таснифланган ўзига хос касаллик ёки бир гурӯҳ касалликлар, масалан, «ЖУДА ОФИР ФЕБРИЛ КАСАЛЛИК». Бундай тасниф бир нечта касалликни, масалан, менингит, сепсисни ўз ичига олади.

**Касалхона:** мазкур ўкув курсида беморлар ётадиган ўринлари бўлган, жуда бетоб болани даволаш учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан ускуналанган ва малакали мутахассислар билан таъминланган хар қандай тиббий муассаса.

**Касалхона бемори:** касалхонада ётиб даволанадиган bemor, унга алоҳида ўрин ажратилади ва у овқат, даво воситалари билан таъминланади.

**Касалхонага жўнатиш:** мазкур ўкув курсида - bemorni яна текшириб кўриш ва даволаш учун касалхонага юбориш, жўнатиш.

**Квашиоркор:** овқатга ёлчимай, ҳолсизланиб, қувватдан кетишнинг бир тури, овқатда оқсил моддалари етишмаслигидан келиб чиқади. Бундай ҳолга тушган бола бадани шишиб, қовурғалари бўртиб чиқиб туриши, соchlari сийраклашиб қолиши, бадан териси қуруқлашиб, тортилиб туриши мумкин.

**Кейинги ташриф:** буюрилган давонинг нечоғлик наф берганини текшириб кўриш ва давони давом эттириш ёки bemorni касалхонага юбориш зарурми-йўқми, аниқлаб олиш учун тиббий ходимнинг илтимосига кўра тиббий муассасага яна келиш, унга такроран бориш.

**Кичик ёшдаги бола:** мазкур ўкув курсида -12 ойликкача бўлган бола.

**КПК:** қизамиқ (корь), тепки (эпид. паротит) ва қизилчага (краснуха) қарши вакцина. Эмлаш тақвимига кўра 2 марта эмланади: 12 ойликда ва 6 ёшда.

**Кўз шох пардасининг ёрилиши:** кўзнинг кўриниб турадиган очиқ жароҳати.

**Кўкрак дағаллашуви:** ушбу ўкув курсида - она сут безларининг сутга тўлиб кетиши туфайли уларнинг катталashiб, қаттиқлашиши ва безиллаб туриши.

**Кўкрак сутининг ўрнини босувчи масалликлар:** кўкрак сути ўрнига ёки унга қўшимча қилиб болага бериладиган аралашма ёки сут.

**Кўкрак қафасининг ичга тортилиши:** бола нафас олган пайтда кўкрак қафаси пастки девори (пастки қовурғалар)нинг ҳар сафар ичкари томон тортилиши. Нафас олинган вақтда кўкрак қафасининг сезилар-сезилмас даражада ичга тортилиши - гўдак болаларда учраб турадиган одатдаги ҳодиса, лекин 2 ойликдан 5 ёшгacha бўлган болада бу ҳолнинг рўйи-рост ва аниқ сезиладиган бўлиши ОФИР ПНЕВМОНИЯ ЁКИ ЖУДА ОФИР КАСАЛЛИК белгиси бўлиб хисобланади.

**Лактоза:** сут таркибида бўладиган қанд моддаси.

**Летаргик ҳолат:** bemorning ташқи таъсиротга бутунлай бефарқ бўлиши, хеч қандай жавоб реакциясининг бўлмаслиги.

**Малака:** маълум бир соҳага оид билимлар даражаси.

**Маразм:** ушбу ўқув курсида - овқатга ёлчимай, қувватдан кетишнинг бир тури, овқатнинг узоқ вақт кам қувват бўлиб, унда оқсиллар етишмай қолганидан келиб чиқади. Маразм ҳолатидаги бола «териси суюига бориб ёпишган» бўлиб кўринади.

**Марказий нерв тизими ning фаол неврологик касаллиги:** тутқаноқ (эпилепсия) ва бош ёки орқа миянинг давом этиб келаётган бошқа касалликлари. Церебрал фалаж, полиомиелит туфайли ёки жароҳатланиш натижасида бошланган эски, сурункали неврологик ўзгаришлар бунга кирмайди.

**Маслаҳат бериш, йўл-йўриқ қўрсатиш:** мазкур ўқув курсида - она билан сухбатлашиш ёки бирор масалани муҳокама қилиш вақтида унга йўл-йўриқ қўрсатиш, маслаҳат бериш, жумладан, онанинг жавобларини тинглаб, маъкул ишларини мақтаб қўйиш, муаммоларни ҳал қилишда унга ёрдам бериш ва айтилган гапларни она қанчалик тушуниб, уқиб олганини текшириб кўриш.

**Махаллий:** «жайдари»га қаралсин.

**Махаллий инфекция:** баданинг фақат маълум бир жойида, масалан, кўз ёки оғизда кузатиладиган инфекция.

**Менингит:** орқа мия суюқлиги, мия пардалари ва орқа мия заараланадиган хатарли касаллик, инфекция.

**Монеликлар:** баъзи турдаги давони, муолажани ёки препаратларни қўлланиш, ишлатиш мумкин бўлмаган, тўғри келмайдиган ҳолатлар ёки шароитлар.

**Мулоқат кўнималари:** мазкур ўқув курсида оналарга ўргатиш ва уларга йўл-йўриқлар қўрсатиш, жумладан: *СЎРАБ, ЭШИТИБ КЎРИНГ, МАҚТАБ ҚЎЙИНГ, ОНАГА МАСЛАҲАТ БЕРИНГ* ибораларига амал қилиш вақтида татбиқ этиладиган кўнималар, мулоқот олиб бориш кўнималари.

**Назогастрал зонд:** беморнинг бурни орқали ошқозонига тушириладиган зонд, ингичка най. Бемор анча сувсизланиб колган бўлсаю, унга суюқликни венасидан юборишнинг иложиси бўлмаса, касалга орал регидратацион тузлар (OPB) ни юбориш ёки ҳолдан тойиб, ўзича овқатлана олмайдиган болани овқатлантириш учун шу зонддан фойдаланилади.

**Назорат саволлар:** айтилган гаплар тушунарли бўлган-бўлмаганини, изоҳларни киши тушуниб, уқиб олганми-йўқми, текшириб кўриш, аниқлаб олиш учун бериладиган саволлар. Тиббий ходим болани тўғри овқатлантиришнинг усул-амаларини онага тушунтириб берганидан кейин унга: «Сиз энди болангизга қандай овқат берасиз?» деб назорат саволни бериб кўриши мумкин.

**Овқатланиш муаммолари:** боланинг одатдаги овқатланиши билан бола боқиши юзасидан *МАСЛАҲАТ БЕРИНГ* схемасида келтирилган тавсиялар ўртасидаги тафовутлар ва бошқа муаммолар, масалан; болани эмизиб боқишдаги

қийинчиликлар, болани овқатлантириш учун шишачадан фойдаланиш, касаллик пайтида боланинг яхши овқатланмаслиги ва бошқалар.

**Овқатланишини баҳоланг:** одатда ва касаллик вақтида боланинг қандай овқатланишини билиб олиш учун сўраб-суриштириб кўриш жараёни. (Бунда ўринли бўладиган саволлар *МАСЛАҲАТ БЕРИНГ* схемасида келтирилган.)

**ОИТС:** орттирилган иммунитет танқислиги синдроми деган сўзларнинг боз ҳарфларидан олинган қисқартма, *СПИД*-га қаралсин.

**Ой-куни етиб туғилган бола:** ҳомиладорлик 37 ҳафтага тўлганидан кейин, муддатида туғилган бола.

**Ой-куни етмасдан туғилган бола:** ҳомиладорлик 37 ҳафтага тўлмасидан олдин, муддатидан илгари туғилган бола, чала бола.

**Озиқ моддалар:** овқат таркибида бўлиб, боланинг ўсиб-улғайиши учун ёрдам берадиган, одамга қувват бўладиган моддалар, масалан, оқсиллар, қанд моддалари, минерал моддалар ва витаминалар.

**Озиқ моддаларга бой масаллиқлар:** таркибида оқсиллар, шунингдек витамин ва минерал моддалар кўп бўладиган масаллиқлар.

**Оппортунистик инфекциялар:** организмнинг иммун системаси одатдагича қаршилик кўрсатиб турадиган маҳалларда касаллик қўзғата олмайдиган, лекин иммун тизими заифлашиб қолиши билан жонланиб, касаликка сабаб бўладиган инфекциялар. Масалан, ҳамиша соғлом одамнинг оғзида бўладиган микроорганизмлар одатдаги шароитларда касалликка сабаб бўлмайди, лекин иммун тизими бирор сабабга кўра заифлашиб қолса, улар *огиз оқариишига* сабаб бўлиши мумкин.

**Орал регидратацион восита (ОРВ):** глюкоза ва тузлар аралашмаси паст осмомоляр эритмасининг таркиби Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти томонидан тавсия этилган формула бўйича тайёрланади (ҳар литрида граммлар ҳисобида): натрий хлорид - 2,6; (сувсизланган) глюкоза - 13,5; калий хлорид - 1,5; натрий трицитрат (сувсизланган) - 2,9.

**ОПВ:** полимиелитга қарши ичириладиган (орал) вакцина (эм дори). Полимиелитнинг одини олиш учун бола 4 марта эмланади: унга туғилган пайтида, 2 ойлик, 3 ойлик ва 4 ойлик бўлганида вакцина ичирилади.

**Оқсил:** овқат таркибида бўладиган модда, боланинг ўсиб-униши учун зарур аминокислоталардан иборат. Оқсилли масаллиқларга гўшт, балиқ, сут ва дуккакли дон маҳсулотлари мисол бўла олади.

**Оқсиллар ва энергетик моддалар етишмаслигидан овқат ҳазмининг бузилиши:** кундалик овқатда оқсил ва бошқа зарур моддалар етишмаслигидан ёки тез-тез касалланиш оқибатида юзага келадиган ҳолат.

**Оғиз оқармаси, оғиз оқариши:** оғиз ва тилнинг чақаланиши ёки оқ караш билан қопланиши, шиллик пардасидаги инфекция туфайли пайдо бўлади.

**Оғиз яралари:** оғиз ичи, лаб ёки тилдаги яралар. Булар қизамиқда юзага келиши ва қизил рангда ёки оқ караш билан қопланган бўлиши мумкин. Яралар боланинг еб-ичишига халал бериши мумкин.

**Оғир тасниф:** мазкур ўқув курсида - зудлик билан аҳамият беришни ва одатда касалхонага юборишни талаб қиласиган жуда жиддий касаллик. Оғир таснифлар *БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ* схемасида қизил рангли қаторларда тилга олинган.

**Паразит:** бошқа бир организмда яшаб, унга зарап етказувчи организм.

**Радиал пульс:** билак артерияси, яъни кафт устининг ички томонидаги асосий томирни ушлаб кўриб, аниқланадиган пульс.

**Релактация:** болани эмизиб боқишига барҳам берилганидан кейин бола боқишининг шу усулига яна қайтиш ва бунда сут ҳосил бўлишининг аслига келиши.

**Респиратор депрессия:** дори препаратларининг таъсири остида ёки оғир касаллик туфайли жуда секин нафас олиш ёки нафас сийраклашуви.

**Респиратор дистресс:** ўпкага ҳаво келиши етишмаслиги туфайли нокулай сезилиши, қийналиш.

**РВКД:** ретровирусга қарши даволаш.

**Ротавирусга қарши вакцина (РОТА):** ротавирусга қарши орал вакцина. Бола ҳаётининг 2 ва 3 ойлигига эмланади.

**Сариқлик:** кўз оқлари ва бадан терисининг сариқ рангга кириши.

**Септицемия:** қонда инфекция бўлиши, мазкур ўқув курсида «сепсис» деб ҳам юритилади.

**Симптомлар:** мазкур ўқув курсида - боланинг саломатлиги хусусида онаси айтадиган муаммолар, масалан, йўтал, ич кетиши, томоқ ёки қулоқ оғриши; булардан ташкари болани кўриб, текшириш вақтида тиббий ходим унинг онасидан суриштириб кўриши керак бўлган **асосий симптомлар** ҳам мазкур ўқув курсида тилга олинади. *БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ* схемасида ана шунай симптомларнинг бештаси тилга олинади: йўтал ёки нафас қийинлиги, диарея, иситма, томоқ ва қулоқ оғриги шулар жумласидандир.

**Сон артерияси:** оёқнинг асосий артерия томири. Чов чуқурчасини пайпаслаб кўриб, бу томирнинг уриб турганини сезиш мумкин.

**Сон венаси:** оёқнинг асосий вена томири. Сон венасидан ички томонда, яъни шу артериядан тана маркази томон боришда жойлашган.

**СПИД:** “Синдром приобретенного иммунодефицита” деган русча сўзларнинг бош ҳарфларидан олинган қисқартма бўлиб, одамга махсус вирус, яъни иммунитетни сусайтириб юборадиган вирус (вирус иммунодефицита человека) юкиши туфайли бошланадиган ҳолатни, оғир касалликни ифодалайди.

**Сувсизланиш, сувсираш:** организмдан талаигина сув ва тузлар йўқолиши билан таърифланадиган ҳолат.

**Сурункали:** узок давом этадиган ва тез-тез қайталаниб турадиган (касаллик).

**Тавсиялар:** маслаҳат, амал қилиниши керак бўлган йўл-йўриқлар.

**Таснифлаш:** мазкур ўқув курсида: боладаги касаллик белгилари ва симптомларига қараб касалликнинг қайси тоифага киришини, унинг оғир-енгиллигини аниқлаш.

**Такроран тўла баҳолаш, такрорий тўла баҳо:** боланинг аҳволи яхшиланганми, йўқми, аниқлаш учун бутун баҳолаш жараёнини *БАҲОЛАНГ ВА ТАСНИФЛАНГ* схемасига мувофиқ такроран бажариш, шунингдек ҳар қандай янги муаммоларни баҳолаб, таснифлаш.

**Такрорий баҳо, баҳолаш:** мазкур ўқув курсида - боланинг аҳволи яхшиланяптими, йўқми, билиш учун уни ўзига хос касаллик белгилари бўйича такрор марта текшириб кўриш.

**Турғун ҳолат:** ахволнинг ўзгармасдан, бир хилда туриши.

**Туғилишдан вазни камлиги:** боланинг она қорнида яхши ривожланмагани ёки ой-куни етмагани учун вазни кам бўлиб туғилиши (чала туғилиши). Оғирлиги 2500 г дан кам бўлиб туғилган болалар туғилишдан вазни кам бўлиб ҳисобланади.

**Умумий оила дастурхони овқати:** оиланинг одатдаги ейдиган умумий қозондаги овқатлари.

**Фаол овқатлантириш:** овқат вақтида болага ёрдам бериб туриш, масалан, боланинг ёнида ўтириб, қошиқни оғизга олиб келишда унга ёрдамлашиш.

**Фақат эмизиб боқиши:** болани фақат эмизиб боқиши, бунда унга кўкрак сутидан бошқа ҳеч қандай овқат, сув ёки бошқа ичимликлар берилмайди (зарур бўлганида бериладиган дори препаратлари ва витаминлар бундан мустасно).

**Филатов-Коплик доғлари:** қизамиқ касаллигининг илк боскичларида лунжларда пайдо бўладиган бир мунча майда доғлар. Улар нотекис, ўртасига оқ нукта тушган қизгиш рангда бўлади. Бундай доғлар беморнинг еб-ичиши учун ҳалал бермайди ва алоҳида давони талаб қилмайди.

**Фолат:** фолат кислота, витаминлар қаторига киради, овқатда темир моддаси этишмаслигидан бошланган камқонликка даво қилишда ишлатилади.

**Хабарсизлик:** қандай бўлмасин бирор амални бажара олмаслик, уни бажариш йўлларини билмаслик, тажрибасизлик.

**Хавфли (хатарли) касаллик:** тарқалишга мойил бўладиган ва ўлимга ҳам олиб борадиган касаллик.

**ХИБ:** В типдаги Гемофилиюс инфлюэнцега қарши вакцина. Бола ҳаётининг 2, 3 ва 4 ойлигига эмланади.

**Шиш:** тери ости тўқималарида ортиқча суюқлик борлиги туфайли ўша жойнинг кўтарилиб, керкиб туриши. Одатда оёқда (оёқ панжаларида), гоҳо бошқа жойларда пайдо бўлади.

**Шок:** хаддан ташқари дармонсизланиб, кўзни очмаслик ёки беҳуш бўлиб, ўзини билмаслик билан таърифланадиган хавфли ҳолат, бундай ҳолатда одам қўл-оёқлари муздек бўлиб, тез-тез нафас олади, томир уриши заифлашиб қолади. Кўп ич кетиб, баданнинг бир қадар сувсизланиб қолиши, талайгина қон кетиши, сепсис ёки бадан куйиши шокка сабаб бўлиши мумкин.

**Шошилинч ёрдам:** дарҳол аҳамият беришни талаб этадиган, бола ҳаётини сақлаб қолиш учун муҳим бўлган чора.

**Энергияга бой маҳсулот:** одамга қувват бўладиган (таркибида энергия ёки калория берадиган моддалари кўп бўладиган) маҳсулот, масалан, гўшт, дуккакли донлар, ўсимлик мойи, ёғлар.

**Эпизодлар:** касаллик ҳодисалари.

**Эссенциал ёғ кислоталари:** боланинг кўзлари ва бош мияси яхши ривожланиши учун зарур ёғлар. Фақат кўкрак сутида бўлади, сигир сутида ҳам, кўкрак сутининг ўрнини босади, деб ҳисобланадиган омухта озуқаларнинг кўпчилигига ҳам бўлмайди.

**Эмланганлик ҳолати:** болада ўтказилган эмлаш ишларини тавсия этиладиган эмлаш жадвалига солиштириб кўриш. Бу ҳолат бола унинг ёшида тавсия этиладиган эм дориларнинг ҳаммасини олганми-йўқми, агар ҳаммасини олмаган бўлса, унга бугун қандай эм дориларни эмлаш зарурлигини кўрсатиб беради.

**Ярим қаттиқ овқат:** серсув, юмшоқ овқат. Масалан, бўтқа ёки пюре ярим қаттиқ овқат ҳисобланади.

**Қизамиққа алоқадор асоратлар:** қизамиқ вақтида ёки ундан кейин пайдо бўладиган муаммолар ёки инфекциялар. Буларга диарея, пневмония, стридор, оғиз яралари, қулоқ ва кўз инфекцияси мисол бўла олади. Энцефалит, яъни бош мия яллиғланишидек асорат камроқ учрайди.

**Кусишига қарши воситалар:** қўнгил айнишини босадиган, қусиши тўхтатадиган препаратлар.

**Кўзгатувчи:** касалликка сабаб бўладиган, уни келтириб чиқарадиган омил ёки микроорганизм.

**Кўшимча овқат:** бола 6 ойлик бўлганидан кейин қўкрак сутига қўшимча равишда унга бериб туриладиган овқат. 6 ойликдан бошлаб ҳамма болалар қўшимча овқат, масалан, сариёғ ёки ўсимлик мойи солиб бериладиган бўтқа, гўшт, сабзавот, тухум, творог, мева сувлари олиб туриши керак.